Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 26 апрель, шанба • № 33 (10.911) • Эркин нархда сотилади

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 24 апрель куни Тошкентда иш бошлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, элчилар, хорижий давлатлар дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Сессия иштирокчилари иш бошлашдан олдин Олий Мажлис депутати А. Холмуродов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эсладилар.

Сессиянинг ишчи органи — котибият тузилди, кун тартиби тасдиқланди.

Парламент ўз ишини кун тартибидаги дастлабки икки масалани — Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишдан бошлади. Шу масалалар юзасидан Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова маъруза қилди. Қонун лойиҳаси ва ҳисобот юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг директори М. Раҳмонқулов, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг Раиси, Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова, Халқ-демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторов, Навоий шаҳри ҳокими Б. Ҳамдамов, Янгиободдаги «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Г. Сидаков, Нукус тумани ҳокими У. Хўжаназаров сўзга чиқди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Парламент қонунни қабул қилди ва Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1996 йилдаги фаолиятини маъқуллади.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Йўлдошев божхона кодекси ва бож тарифи тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳақида маъруза қилди.

Муҳокамада Навоий вилоят нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасининг директори У. Рўзиқулов, Тошкент тумани ҳокими А. Йўлчиев, «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси бошлиғи А. Абдуназаров, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси Фарғона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаев, Сирдарё вилоятидаги «Ўрта Осиё» корпорацияси бошқаруви раиси Ғ. Фозилов, Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов иштирок этди.

Парламент иккала лойиҳани биринчи ўқишда маъқуллади.

Сўнгра депутатлар солиқ кодекси лойиҳаси (иккинчи ўқишда) тўғрисида бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадовнинг маърузасини тингладилар. Лойиҳа юзасидан Ховос тумани ҳокими Р. Турдиев, «Интер-Осиё» корпорациясининг иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш бўйича маслаҳатчиси К. Йўлдошев, Тўрткўл туманидаги «Шўрахон» ширкатлар уюшмасининг раиси А. Абдукаримов, Қашқадарё вилояти «Нуроний» фахрийлар кенгашининг раиси С. Усмонов сўзга чиқди.

Депутатлар солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Парламент аъзолари табиий монополиялар ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар. Бу масала юзасидан иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўмита раиси ўринбосари Т. Файзуллаев маъруза қилди. «Ўзнефтгаз» миллий корпорациясининг «Ўзнефтгазкомплект» бирлашмаси бош директори ўринбосари М. Вакилов, Уйчи туманидаги «Ипакчи» акциядорлик жамияти раиси Т. Сатторов, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Оролбўйи бўлими бошлиғи Т. Темирбоев, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ҳокими К. Холдоровнинг чиқишларидан сўнг қонун қабул қилинди.

Кечки мажлисда депутатлар ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги ҳамда журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Бу қонун лойиҳалари юзасидан матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов маъруза қилди.

Бу ҳужжатларни муҳокама қилишда Урганч тумани ҳокими К. Нуниёзов, Халқ-демократик партияси Шаҳрихон тумани кенгашининг биринчи котиби М. Отабоев, Учқўрғон туманидаги 20-мактаб директори Ҳ. Қурбоналиев, Қарши шаҳри ҳокими Ш. Бегматов, «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари, «Тафаккур» журнали Бош муҳаррири Э. Аъзамов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова, Урганч давлат университети ректори А. Саъдуллаев қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз сўзида лойиҳаси муҳокама этилаётган қонунлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда улкан аҳамиятга эга экани, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни ва вазифалари тўғрисида батафсил тўхталди.

Парламент бу қонунларни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Йўлдошев маърузаси бўйича товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳақидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун муҳокамасида Бўка тумани ҳокими Р. Обидов, Кува мебель акциядорлик жамияти бошқаруви раиси М. Исмоилов, Пастдарғом тумани ҳокими Ш. Исанов, Сурхондарё вилоят савдо-тайёрлов уюшмаси раиси Ҳ. Қиличев иштирок этди.

Депутатлар фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар. Лойиҳа юзасидан қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинова маъруза қилди. Бу масала бўйича муҳокамада Избоскан тумани ҳокими С. Бегалиев, Ургут тумани Ҳамза номидаги агробошқарма раиси Э. Отамуродов, Тўрақўрғон тумани ҳокими О. Исматуллаев, Хонқа тумани ҳокими И. Бобожонов сўзга чиқди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 25 апрель куни ўз ишини давом эттирди.

Парламент ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э. Халилов бошқарди.

Парламент иккинчи иш кунини Хўжалик процессуал кодекси лойиҳасини кўриб чиқишдан бошлади. Лойиҳа тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маъруза қилди. Вобкент тумани ҳокими М. Эсонов, Музробод дон маҳсулотлари комбинати директори К. Амирқулов, Томди тумани ҳокими А. Назаров, Наманган вилоят сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи Ҳ. Ҳошимов нутқларидан сўнг кодекс биринчи ўқишда маъқулланди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Б. Наимов жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Парламент бу лойиҳани иккинчи ўқишда муҳокама қилиб, Қувасой шаҳри ҳокими А. Раҳмоналиев, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш. Норбоева, Ғиждувон тумани ҳокими А. Мўминов сўзга чиққанидан сўнг кодексни тасдиқлади.

Сессия иштирокчилари Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоиловнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тингладилар.

Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. У Ўзбекистон парламентининг келгуси даврда қонунларни тайёрлаш фаолиятининг устувор йўналишларига тўхталди. Президент яқин вақт ичида ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, халқ таълимининг мавжуд тизими ва ёшларни ҳарбий хизматга чақириш тартибини қайта кўриб чиқишга, Ўзбекистоннинг ёш авлоди маънавий бой ва жисмоний соғлом ўсишини таъминлашга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлади.

Депутатлар қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси раиси И. Кочмарик энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ангрен шаҳри ҳокими Т. Анорбоев, Фарғона тўқимачилик ва ип-газлама ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Т. Исмоилов, «Ўзэлектротехсаноат» уюшмаси раиси Р. Саримсоқов, Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А. Болтаев нутқларидан сўнг бу қонун қабул қилинди.

Сўнгра парламент аъзолари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Г. Йўлдошеванинг Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тингладилар. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Темуров, Бекобод тумани ҳокими М. Расулов, Фарғона давлат университети тиббий марказ кафедраси мудири Ю. Нишонов лойиҳа хусусида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Қонун қабул қилинди.

Геодезия ва картография тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров маъруза қилди. Бу лойиҳа хусусида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти кафедраси мудири Ш. Йўлдошев сўзга чиқди. Қонун қабул қилинди.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси раиси И. Кочмарик шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Нукус шаҳри ҳокими А. Аметов, «БК Интранс» акционерлик жамияти раиси Б. Қосимов сўзга чиққанидан сўнг қонун қабул қилинди.

Сўнгра Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари М. Икромовнинг маърузасини тинглаб, республиканинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди, шунингдек, Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини белгилаш тўғрисида қонун қабул қилди, бир қанча халқаро шартнома ва конвенцияларни ратификация қилди.

Саккизинчи сессия котибияти раҳбари, Ғаллаорол тумани ҳокими Т. Умурзоқов сессия кунларида парламент номига келган телеграммалар, хатлар ва бошқа мурожаатлар ҳақида ахборот берди.

Сўнгра депутатлар Олий суд таркибига ўзгартиш киритдилар, Қўқон шаҳрининг чегараларини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1996 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар.

Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини тугатди.

**(ЎзА).**
**А.ТЎРАЕВ**
**олган суратлар.**

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ХУСУСИЙ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тижорат банкларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, хусусий сармояни жалб этиш ва ундан хўжалик оборотида самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган тижорат банклари билан бир қаторда хусусий тижорат банклари ташкил қилиниши мумкин, муассислар-жисмоний шахсларнинг мазкур банклардаги улуши устав капиталининг камида 50 фоизини ташкил этади, қолган қисми эса давлатга қарашли бўлмаган юридик шахсларга тегишли бўлади;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари хусусий тижорат банкларининг устав капиталига маблағларини ўз даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмасдан қўшишлари мумкин;

хусусий тижорат банклари ташкил этилган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида бюджетга даромад солиғи тўлашдан озод қилинади, бунда бўшайдиган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирилади;

хусусий тижорат банки устав капиталининг энг оз миқдори 250 минг ЭКЮга тенг суммада белгиланади ва банк фаолиятининг дастлабки уч йили давомида ўзгартирилмай сақлаб турилади;

фаолият бошлангандан кейин олти ой ўтгач, хусусий тижорат банкига хорижи валютада операциялар ўтказишга лицензия берилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда касса узелларини сотиб олиш ва улар билан ускуналашда, биноларни Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозлашда хусусий тижорат банкларига зарур ёрдам берсин.

3. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши хусусий тижорат банкларининг фаолиятига назорат органларининг асоссиз аралашувига йўл қўймасин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хусусий тижорат банкларига мослаштирилган хоналарни шартнома асосида сотиб олишда ёрдам кўрсатсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича таклифлар тайёрлаб, тақдим этсин.

Марказий банкка бир ҳафта муддатда ўзининг норматив актлари ва йўриқномаларини мазкур фармон талабларига мувофиқ ҳолга келтириш тавсия қилинсин.

6. Ушбу фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*1997 йил, 24 апрель.*

---

## «МИКРЕЛЬ»ДА ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

***ЯНГИЙЎЛ туманидаги чорва моллари, паррандалар учун тўрт турдаги оқсил моддалар — оқсил бўтқаси, оқсил текстурати, оқсилли қуруқ сут, оқсилли намланган аралашма тайёрлаб бераётган «Микрель» қўшма корхонасида илмий лаборатория иш бошлади.***

Унга таниқли олим, «Ўзкимёсаноат» уюшмасига қарашли ўсимлик моддалари кимёси институти профессори Тимур Юнусов раҳбарлик қилмоқда.

Лабораторияда қўшма корхона тайёрлаётган оқсилли аралашмалар сифати, уларни истеъмол қилаётган чорва моллар ва паррандалардаги ўзгаришлар таҳлил этиб борилмоқда.

***Саид САИДАҲМЕДОВ.***

---

## «КЕЛИН САЛОМ»ДАН «БЕШИК ТЎЙИ»ГАЧА

***ЮҚОРИЧИРЧИҚ туман маданият, халқ таълими бўлимлари «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда «Миллий урф-одатларимизни ўрганамиз» кўрик-танловини ўтказди.***

**Танловда туманнинг 6-, 7-, 10-, 34-мактабларининг юқори синф ўқувчилари беллашдилар. Танловни ўтказишдан мақсад қадимдан қадрланиб келаётган миллий урф-одатлар бўйича ўқувчи ёшларнинг мушоҳадаларини аниқлаш эди. Танловда «Келин салом», «Совчилик», «Бешик тўйи» мавзулари бўйича ўқувчилар ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишларини намойиш этдилар ҳамда «Уй юмушлари» топшириғини нозик дид, юксак маҳорат билан бажардилар. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра 10- ва 34-мактаб ўқувчилари танлов ғолиблари деб топилди.**

***Садбархон ЖЎРАЕВА.***

---

## *«Шунқор—97»* УЧ КУНЛИК СИНОВ

***Шу йилнинг 23 апрель куни Тошкент умумқўшин командирлар олийгоҳининг талабалари «махсус» меҳмонларни қабул қилишди. Улар 21-23 апрель кунлари Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган «Шунқорлар» вилоят ҳарбий-спорт ўйини иштирокчилари эдилар. Ўсмирлар шу куни бу ҳарбий билим юрти талабаларининг ҳаёти билан қизиқиб танишдилар. Эрта-индин бу ўқувчиларнинг орасидан ҳам шу билим юртига кириб ўқиб, муносиб Ватан посбонлари, жанговар зобитлар етишиб чиқса ажабмас...***

Энди «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинига келсак. Бу мусобақаларда вилоятнинг 21 шаҳар ва туманидан ўрта мактабларнинг 10—11-синф ўқувчилари иштирок этдилар. Улар югуриш, ҳарбий қуроллардан фойдаланиш, уларни сақлаш, граната улоқтириш, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, турникда тортилиш сингари ҳарбий спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича ўзаро беллашдилар. Мусобақалар вилоятимиз мактабларида ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида яхши ишлар қилинаётганлигини кўрсатди.

Бу ўйинда энг юқори натижага эришган Чирчиқ шаҳрининг 21-ўрта мактаб ўқувчилари ғолиб чиқишди. Бўстонлиқ туманидаги 2-ўрта мактаб «шунқорлари» иккинчи ўринни эгаллашди. Паркентлик ўсмирлар эса учинчи ўринни олишди.

Ҳарбий спорт ўйинини ўтказиш ташаббускорлари — ёшларнинг «Камолот», фахрийларнинг «Нуроний» жамғармалари вилоят бўлимлари, мудофаа ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгаши мусобақа иштирокчиларини ўзларининг махсус совринлари ва эсдалик совғалари билан тақдирладилар. Ғолиб жамоага «Камолот» жамғармасининг «Семруғ» телевизори ва спорт кийим-бошлари, иккинчи ўринни олган ўқувчиларга «Нуроний» жамғармасининг гилами, учинчи ўринни олган мактаб ўқувчиларига магнитофон ва спорт кийим-бошлари тантанали суратда топширилди.

Уч кунлик синов ўсмирларни жисмоний бақувват, маънавий баркамол, ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Афсуски, мана шундай хайрли ишдан вилоятимиздаги ягона Пскент тумани ўсмирлари четда қолганлиги ачинарлидир. Ўйлаймизки, тумандаги мутасаддилар бундан тегишли хулоса чиқариб оладилар.

***(Ўз мухбиримиз).***

---

## ИПАК ЙЎЛИ ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

***Кеча Тошкентда муҳим бир анжуман иш бошлади. Бу Андижон-Ўш-Қашқар темир йўли қурилиши ва автомобил йўлининг қайта қурилиши масалаларига бағишланган халқаро кенгашдир.***

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ўтаётган бу анжуманда жаҳондаги 20 га яқин мамлакат вакиллари, ўндан ортиқ халқаро ва молия ташкилотларининг мутахассислари иштирок этмоқда. Анжуман қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрикнома йўллади. Унда республикамиз раҳбари мазкур йўлни қайта қуриш ва бу йўналишда темир йўл қуриш бўйича уч томонлама лойиҳанинг амалга оширилиши жаҳондаги иқтисодий марказлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг янги имкониятларини очиб беришига қатъий ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, қарийб бир ярим минг йилдан ортиқ инсоният хизматида бўлган ипак йўлининг Андижон-Ўш-Қашқар оралиғидаги масофаси таъмирланса улкан тарихий воқеа содир бўлади: Оврупони Осиё қитъаси океан сарҳадларигача боғлайдиган муҳим артерия қайта жонланади. Шуни айтиш керакки, Тошкент-Ўш магистрал йўлининг йўлсозларимиз томонидан қайта қурилиши, хусусан, бизнинг мамлакатимиз ҳудудидаги 70 километрлик йўл таъмирланиб, кенгайтирилиши билан боғлиқ улкан бунёдкорлик ишларида вилоятимиз қурувчилари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Айни вақтда Қамчик ва Резак довонларида жами 2,5 километр узунликдаги тоннел бунёд этилаётир.

Юртнинг олтин камари бўлмиш бу йўллар истиқлолимизга хизмат қилажак!

*Ислоҳот одимлари*

# ҒАЗАЛКЕНТДА БИР КОРХОНА БОР...

***АГАР эътибор берган бўлсангиз, кейинги вақтларда озиқ-овқат дўконларида, бозорлардаги ширинлик расталарида чет элдан келтирилаётган турли печеньелар ва бошқа қандолат маҳсулотлари ўрнини ўзимизда ишлаб чиқарилган шундай хуштаъм маҳсулотлар эгаллай бошлади. Уларнинг сифати ҳам, мазаси ҳам чет элникидан ўтса ўтади-ки, асло қолишмайди. Халқимиз дастурхонини мана шундай турли-туман ва кафолатланган маҳсулотлар билан таъминлашга бел боғлаган корхоналардан бири Ғазалкентдаги «Конвин» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасидир. Биз яқинда шу корхонада бўлиб, унинг тадбиркор раҳбари Аҳмаджон Абзалов билан суҳбатлашдик.***

**— Аҳмаджон ака, аввало, корхона тарихи ва унинг бугунги фаолияти ҳақида қисқача гапириб берсангиз.**

— Бундан салкам қирқ беш йил илгари шаҳримизда спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган вино заводи қурилган эди. 1956 йилда у Тошкент вино комбинатига филиал бўлиб ўтди ва 1980 йилгача шу тартибда фаолият кўрсатди. Кейинги даврда алоҳида завод сифатида иш олиб борган корхонанинг тарихида ўтган 1996 йил янгиланиш даври бўлди, десам хато бўлмайди. Чунки биз шу йилдан бошлаб Германия билан ҳамкорликда ишлай бошладик. Энди аввалгидек, фақат спиртли ичимликлар билан эмас, турли-туман қандолат маҳсулотларимиз билан ҳам халқимизнинг эътиборига тушиш имконияти юзага келди. Аслида ҳамкорликнинг туб моҳияти ва мақсади ҳам шу эди.

Корхонамизда технология ҳам, ишчи-хизматчиларнинг малакаси ҳам замонга мос тарзда ўсиб, янгиланиб бормоқда. Гарчи ишни яқинда бошлаган бўлсак ҳам, дастлабки натижаларимиз чакки эмас. Агар шу йилнинг биринчи чорагида жами 1080 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришимиз керак бўлса, бу кўрсаткич 1894 тонна қилиб бажарилди ёки белгиланган режа салкам 180 фоизга адо этилди. Биз бундай суръатни кейинги чоракларда ҳам сақлаб қолишга ҳаракат қилаяпмиз.

**— Кечирасиз, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Туркиядан келаётган маҳсулотлардан қолишмайди. Лекин нима учун пойтахт ва Тошкент вилояти савдо пештахталарида улар кам кўринаяпти?**

— Қандолатчилик цехимиз бор қувват билан ишлаганда йилига 6 минг тонна печенье ва 500 тонна вафли ишлаб чиқариши мумкин. Биз эса ҳозирча 5—5,5 минг тонна атрофида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Табиийки, бу бутун пойтахт ва вилоят аҳолисининг талабини қондириш учун камлик қилади. Ўйлайманки, биз каби қандолат маҳсулотлари тайёрлашни мақсад қилган бошқа корхоналар ҳам ташаббусни қўлга олсалар, маҳсулот сифати ва ҳажми учун жиддий қайғурсалар албатта бу борадаги аҳвол янада яхшиланади. Энг муҳими, биз ўша Туркия ва бошқа давлатлардан келтирилаётган маҳсулотларнинг ўрнини эгаллайдиган хуштаъм маҳсулотлар ишлаб чиқаришимиз ва рақобатга киришишимиз керак. Ишонаманки, бизнинг маҳсулотларимиз ҳам халқимиз ўртасида машҳур бўлади ва севиб харид қилинади.

**— Ичимликлар тайёрлаш борасидаги фаолиятларингиз ҳақида ҳам икки оғиз тўхталсангиз.**

— Албатта, бизнинг корхонамизда ишлаб чиқарилаётган спиртли ичимликларни мижозларимиз яхши билишади. Турли номдаги винолар ва бошқа ичимликлар сифат жиҳатидан харидоргир. Маҳсулотларимиз «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» ва қатор хусусий фирмалар билан тузилган шартномалар орқали савдога чиқарилмоқда.

**— Корхонадаги меҳнат шароити ҳақида нима дея оласиз?**

— Юқорида айтганимдек, корхонани замонавий технология билан жиҳозлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бундан икки йил аввал ишчиларимизга 377 мингтадан ортиқроқ, жаъми 10 миллион 969 минг сўмлик акция сотилган эди. Йилнинг якунида эса ишчилар бундан яхшигина дивиденд олдилар.

Бу йил Наврўз байрами муносабати билан ишчи-хизматчиларимизни моддий қўллаб-қувватлашга, фахрийларимизни йўқлашга алоҳида эътибор бердик. Ҳар бир ишчига ўртача 700 сўмлик миқдорда корхонамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан совға ажратилди. Шунингдек, «Соғлом авлод учун» жамғармасига 15 минг сўм, маҳалла хайрия жамғармасига 30 минг сўм хайрия ўтказдик.

Ишчиларимизнинг ойлик маоши ўртача 3,5—4 минг сўмни ташкил этади. Любовь Николаевна, Гўзал Муҳамедова, Умида Абдукаримова, Гулзина Тоштенова, Иброҳим Худойберганов, Хотира Эрматова, Мақсуда Абдураҳмонова сингари ишчиларимиз ўз соҳалари бўйича пешқадамлардан ҳисобланадилар. Биз келгусида мана шу фаол ва аҳил жамоага таянган ҳолда цехларимизни янада кенгайтириш ва шу йўл билан иш ҳажмини ошириш ниятидамиз.

***Даврон АҲМАД суҳбатлашди.***
***Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.***

*Таклиф*

## БИР ЙЎНАЛИШДА БЎЛГАНИ ЯХШИ

Авваламбор, фожиа бўлмасин. Лекин, кейинги пайтларда «фалон ерда ёнғин чиқибди, одамлар нобуд бўлибди» деган сўзлар қулоққа тез-тез чалиняпти. Оқибатда, моддий ва маънавий зарар кўриляпти, энг ёмони, кимлардир дунёдан бевақт кўз юмяпти. Бунга бемаҳал юз берадиган ёнғинлар сабаб бўлмоқда.

Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ёнғинга, асосан, ўт ўчирувчилар қарши курашадилар. Лекин, бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин чиқмаслиги учун самарали тадбирлар белгилаш бизнинг ёнғинга қарши кураш жамиятимиз аъзоларининг кундалик вазифасидир. Шу боис биноларда, хонадонлардаги ёқиш-иситиш тармоқларининг ҳолати, электр ва газ жиҳозларининг созлиги, печкалар, дудбўронлар, махсус ўт ўчириш асбоб-ускуналари, лозим таркибли кимёвий аралашмалар билан ёнувчи нарсаларга ишлов бериш кабилар ҳамиша ходимларимизнинг диққат-эътиборида туради.

Жамиятимиз кучи ва маблағлари воситасида ўт ўчиришнинг олдини олишга қаратилган сурункали ташкилий-оммавий ишлар амалга оширилмоқда. Халқ хўжалиги соҳалари, турли жойларда хавфсизлик қоидаларига риоя этилаётганлиги устидан назорат ўрнатилмоқда. Масъул шахсларга техникавий кўникмалар ўргатилмоқда, ёнғин олдини олиш ва ўчириш чораларидан бохабар этилмоқда. Ҳудудларда уюштирилаётган суҳбатлар, учрашувлар, мулоқотлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар яхши натижалар бераётир.

Лекин, ҳозир ғалати бир вазият пайдо бўлди. У ҳақда аввалдан ўйламасак бўлмайди. Сўнгги йилларда жойларда кўплаб қўшма, ўрта, кичик корхоналар, турли хил ишлаб чиқариш жараёнлари вужудга келди. Масалан, вилоятимизнинг Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод каби шаҳарларида, Чиноз, Оҳангарон, Пискент, Бўка сингари туманларида ана шундай кўплаб тизилмалар ишга туширилди. Бу қувончли ҳол, албатта. Бироқ, уларнинг айримларида гоҳо-гоҳо ёнғин содир бўлаётганлиги кўнгилни хира қилмоқда. Хўш, бунга сабаб нима?

Шуни айтиш лозимки, ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида, хоҳ у катта, хоҳ у кичик бўлсин, илгаритдан ёнғин олдини олишга жавоб берадиган шахслар тайинланиб келинган. Шундай бўлиши табиий эди. Аммо, бунёд этилаётган янги қўшма, ўрта, кичик, хусусий корхоналарда бундай масъулиятли вазифаларга ҳозир дуч келган одамлар тайинланмоқда. Улар ёнғин олдини олиш тартиб-қоидаларидан бутунлай бехабарлар, махсус тайёргарликка эга эмаслар. Кимёвий қоришмалар билан ишлашни мутлақо билмайдилар. Бир сўз билан айтганда, улар эгаллаб турган жойларига нолойиқдир.

Бу муаммони ҳал этиш қийин эмас. Шундай таклиф бор: қўшма, ўрта, кичик, хусусий корхоналар раҳбарлари, мутасаддилари бизнинг жамиятимиз билан алоқа ўрнатиб, юқорида айтилган кишиларни ўқиш, ўрганиш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш тадбирларига жалб этсалар, кўнгилдагидек иш бўлар эди. Ана шунда ёнғин олдини олишдек долзарб муаммо мазмунан анча бойитилади, давр талабидан келиб чиққан хайрли ҳаракатга қўл урилади.

***Муроджон РЎЗИЕВ, ёнғинга қарши кураш вилоят жамияти бошқаруви раиси.***

*Фармон ва ижро*

# ФЕРМЕРНИНГ ИШИ ЕНГИЛ ЭМАС

***Республика Вазирлар Маҳкамасида қишлоқда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вазифалари муҳокама қилингандан сўнг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш, мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар белгиланди, Республика Президентининг шу борадаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Газетамиз мухбири яқинда вилоят қишлоқларида бўлиб, тадбиркорлар билан шу ҳақда суҳбатлашди.***

**Пскент туманидаги «Карим» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Карим СОТИБОЛДИЕВ:** — Хусусий фермерлик ҳаракати бошлангач, мен ҳам жамоа хўжалигидан 6 гектар ер олдим. Шундан 2,5 гектар майдонга беда экдим ва гектаридан 240 центнердан, жами 53,4 тонна пичан ғарамладим. 41 бош шартли қорамолимга бу етмаслиги аён, албатта. Шунинг учун жамоа хўжалигидан яна ер беришларини илтимос қилдим. Бироқ ҳеч ким дардимга қулоқ солгани йўқ. Мен сизга айтсам, туманимизда деҳқон-фермер хўжаликлари кўп. Аммо уларга биркитилган ерлар 1,5-2 гектар атрофида. Бундоқ ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг-чи, шу ер деҳқончилик қилиб, чорва боқишга етадими?!

Ана шундай бир пайтда республикамиз Президентининг деҳқон-фермер хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги Фармони эълон қилингани айни муддао бўлди. Негаки унда деҳқон хўжаликлари учун ер ажратиб бериш чоғида тегишли тартиб ўрнатиш, ер эгаларининг улардан оқилона ва самарали фойдаланишларини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Деҳқон ердан унумли фойдаланаётган ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган экан, унга имкониятига қараб ер ажратиб берилса жуда ҳам тўғри бўлади.

Фармонда қишлоқ тадбиркорининг манфаатларини кўзлайдиган жуда кўп фойдали гаплар айтилган, қийинчиликларга барҳам берадиган, йўлдаги тўсиқларни олиб ташлайдиган, муаммоларни ҳал қилишда фойдаси тегадиган чора-тадбирлар белгиланган. Бу албатта, шу пайтгача фермер оёғига тушов бўлиб келаётган баъзи тўсиқларни тугатишга имкон беради.

Деҳқон-фермер хўжаликларига молиявий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш муқаррар қилиб қўйилганлиги ҳам уларга нисбатан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ифодасидир. Шу ўринда мен банк тизимидаги ҳозириги иш юритиш тажрибаси фаолиятимизда бир қатор қийинчиликлар туғдираётганини айтишни истардим. Менимча банкда фермерлар билан ишлашни осонлаштириш ва соддалаштириш пайти келди. Менинг ҳам ўз ҳисоб рақамим бор. Маблағга эгаман. Аммо хоҳлаган пайтимда бозордан беш-ўн бош қорамол сотиб олиш имкониятига эга эмасман. Негаки, пулим бўлатуриб зарурат сезилганда ҳисоб рақамимдаги пулни нақд ололмайман. Банк ходимидан бу маблағ меники эканлигини айтиб, нима учун уни зарур нарса учун олишим мумкин эмас, деб сўрагудек бўлсам, ходим «йўриқнома асосида иш тутишини» рўкач қилади. Қани, энди айтинг-чи, йўриқнома фермернинг ишига халақит берадиган бўлса, унинг нима кераги бор? Қачонгача фермер ўз пулини олиш учун банкка бориб, ходимларга қуллуқ қилиши керак? Бунинг устига ҳар бир фермер банк билан шартнома тузади. Бу шартнома матнлари шундай битилганки, уни оддий деҳқон ёки фермер уёкда турсин, ўқимишли одам ҳам қайта-қайта ҳижжалиб ўқигани билан мағзига тушуниб етолмайди. Бундай мураккаблик кимга керак? Шартнома матнлари деҳқонбоп қилиб соддалаштириб тузилса бўлмайдими?

Президентимиз фармони билан яна бир катта муаммо ҳал қилиб берилди. Бундан кейин фермер шартнома асосида ўз маҳсулотини махсус ташкил этиладиган пунктларга топширади. Бунинг устига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини доимий тарзда топшириб турувчи уюшма аъзоларига уруғлик, минерал ўғитлар, ўраш материаллари ва ускуналари муқобил тарзда етказиб беришнинг амалга оширилиши ҳам айни муддао бўлди. Фермер энди меҳнати самарасига ишониб, хотиржам ишлайверади. Афсуски, шу пайтгача бундай бўлмай келганди. Сотган маҳсулотимизнинг ҳақини ундиролмай юргандик. Менинг ўзим «Янги ҳаёт» комплексига мол топширганимдан сўнг кўп вақтим пулимни ундириб олиш билан ўтди. Зора бундай қийинчиликлар энди орқада қолиб кетса...

**Бўстонлиқ тумани деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси Кутум ТЎЛАГАНОВ:** — сирасини атганда, ҳозиргача барча фермерларнинг муаммолари бир хил — қаердан техника, ёнилғи, чорва еми, ўғит топсам экан, деган ташвиш эди. Шу сабабли уларнинг таъминотини марказлаштириб, жамоа хўжаликлари сингари фермер хўжаликларига ҳам зарур нарсаларни фонд орқали беришни таомилга киритишни даврнинг ўзи талаб қилаётганди. Республикамиз Президентининг деҳқон-фермер хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фармони ушбу муаммоларни изчиллик билан ҳал этиш имконини берди.

Мен шу ўринда Бўстонлиқ тумани ҳудудида деҳқон-фермер хўжаликларини қийнаб қўяётган яна бир муаммони тезроқ ҳал қилиш зарурлигини айтмоқчиман. Бу — сув муаммосидир. Тумандаги фермер хўжаликларига қарашли экин майдонларининг 80-85 фоиз қисми насосли ариқлардан сув ичади. Туман деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси эса жамоа хўжаликлари билан сув таъминоти юзасидан шартнома тузган. Сув ҳақини ҳам жамоа хўжалиги тўлайди. Шу сабабли хўжалик бошқаруви зарур бўлиб қолганда истаса фермерга сув беради, истамаса «бугун-эртага» деб вақтни ўтказади. Деҳқонни қийнаб қўяётган бу вазиятдан чиқишнинг йўли бор. Туман деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси жамоа хўжаликлари билан бир қаторда деҳқон-фермер хўжаликлари билан ҳам сув таъминоти юзасидан шартнома тузиб, шу асосда иш олиб борса, барча қийинчиликлар ўз-ўзидан барҳам топиб кетган бўларди. Негаки, фермерда ҳам пул бор, сув ҳақини тўлай олади.

Менда, айниқса қайта ишлаш ва тайёрлов ташкилотлари билан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги моддий манфаатдорликни таъминлаган ҳолда ўзаро муомалани яхшилаш борасида белгиланган тадбирлар ҳам яхши таассурот қолдирди. Барча фермерлар аллақачон ана шундай қилиниши лозим, эди, демоқдалар. Чунки улар қайта ишлаш ва тайёрлов ташкилотларининг ишидан ҳам куйган эдилар-да. Мана, масалан, Ғазалкентдаги консерва заводи жамоа хўжаликлари қаторида фермер хўжаликларидан ҳам хом ашё оларди. Бироқ, гал ҳақни ундиришга келганда анча қийин бўларди.

Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда деҳқон-фермер хўжаликларига муносабатни тубдан ўзгартириш, уларнинг оёққа туриб олишлари учун барча зарур ёрдамни кўрсатиш, ҳимоя қилиш лозим эканлиги таъкидланган эди. Республика Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу йўлда амалга ошириладиган ишларни кафолатлаб берди.

***Рафиқ ТУРСУНОВ. «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

# ТЎҒРИ ЙЎЛ ТАНЛАНГАН ЭКАН

*Инсон манфаатлари йили*

ОЛМАЛИҚДАГИ автобус-таксомотор саройи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлангач, кўп ўтмай ишлаб чиқаришда ижобий силжишлар юз берди. Жамоа корхонанинг ҳақиқий соҳиби бўлиб қолганидан сўнг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланди. Ҳар бир ишда тартиб-қоидага, технологияга қатъий амал қилинадиган бўлди. Иш кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам берувчи янги-янги имкониятлар ишга солина бошланди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришнинг бир маромда бориши омили бўлди. Мижозларга кўрсатилаётган хизмат ҳажми кенгайди, сифати яхшиланди. Жамият олаётган даромад ҳам, фойда ҳам орта борди. Унинг бир қисмини ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга ажратиш имкони туғилди. Биргина ўтган йили шу мақсадда сарфланган маблағ миқдори 2 миллион 253 минг сўмни ташкил этди.

Ижтимоий муҳофаза қилиш турлари ҳам кўпаймоқда. Илгари корхонада ишлаб, кейинчалик пенсияга чиққан уруш қатнашчилари ва уларга тенг имтиёзли кишиларга йилнинг ҳар чорагида 200 сўмдан моддий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, уларга ҳар бир байрам арафасида пул мукофотлари, турли-туман совғалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан қарашиляпти. Бу йилги Наврўз байрами муносабати билан 17 та кам таъминланган оилага минг сўмдан ёрдам пули берилди.

Транспортчиларни соғломлаштириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтига 200 минг сўм пул ўтказилди. Бунинг эвазига бетоб бўлиб қолган ишчилар институт клиникасида даволаниб қайтишяпти. Паркент автокорхонаси, «Аммофос» бирлашмаси профилакторийларида дам олиш учун 32 та йўлланма сотиб олинди. 9 нафар транспортчи санаторий ва дам олиш уйларида саломатликларини мустаҳкамлаб келдилар.

Корхонада пенсияга чиқувчи транспортчилар меҳнат ҳиссасига қараб бир йўла пул билан мукофотланмоқда. 50, 55, 60 ёшга кирган ишчи-хизматчиларга бир ойликдан маош бериш яхши анъана бўлиб қолди. Кўзи ёриш учун таътилга чиққан аёлларга фарзандлари уч ёшга тўлгунча корхона ҳисобидан ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Меҳнат муҳофазаси учун ҳам кўплаб маблағ сарфланмоқда. Биргина ўтган йили бу мақсадларга 240 минг сўм ажратилди. Мотор цехи қайта тикланди. Вентиляция тизими такомиллаштирилди. Карбюратор-ёнилғи асбоб-ускуналарини созлаш, аккумулятор цехлари қайта таъмирланди.

— Корхонамиз очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлангач, — дейди автобус-таксомотор саройи директори Эргаш Азизов, — ишлаб чиқаришни ривожлантириш қатори ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун имкониятлар анча кенгайди. Биз акциялар чиқардик. Уларнинг бир қисми ишчи-хизматчиларимизга арзон нархларда сотилди. Ҳаммаси бўлиб, 1627 та бундай қимматли қоғоз имтиёзли нархларда транспортчилар ўртасида тарқатилди. Бундан улар ҳам маълум миқдорда моддий манфаат кўрдилар.

— Жамоамиз хўжаликни бошқаришнинг ҳиссадорлик жамияти турини танлаб, хато қилмаган экан, — дейди жамият касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ольга Норматова, — эндиликда олинаётган фойданинг кўп қисми маош, мукофотлар сифатида транспортчиларга тўланмоқда. Айни вақтда уларнинг меҳнат шароитлари яхшиланмоқда. Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилаларини соғломлаштириш билан боғлиқ бўлган жуда кўп тадбирларни кўриш имкониятини бермоқда.

***Будир ПЎЛАТОВ, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот маркази мудири.***


# ДИҚҚАТ!!! ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Тошкент вилоят кўчмас мулк биржасининг шохобчаси кимошди савдоларини ўтказмоқда. Савдога банкротга учраган (синган) корхоналарнинг мол-мулки, ускуналари ва кўчмас мулклари қўйилади.**

## КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилояти давлат мулк қўмитаси ва Тошкент вилоят кўчмас мулк биржаси Оҳангарон ва Янгиобод шаҳарларида жойлашган кўчмас мулк объектларини ҳамда Оҳангарон шаҳрида жойлашган ер майдонларини кимошди савдосига қўяди.

| *Объектнинг номи* | *Бошланғич нархи (сўм)* |
|---|---|
| 1. Оҳангарон шаҳридаги 46-мавзе, 2-уйда жойлашган Оҳангарон шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси (АГКЭУ)нинг умумий майдони 57,8 кв.м. бўлган одам яшамайдиган хоналари | 40.000.0 |
| 2. Оҳангарон шаҳрининг саноат зонасида жойлашган Оҳангарон шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси (БГО АГКЭУ) цехининг умумий майдони 57,0 кв.м. бўлган одам яшамайдиган хоналари | 31.000.0 |
| 3. Янгиобод шаҳридаги Театральная кўча, 10-уйда жойлашган «Универмаг» дўконининг умумий майдони 371,5 кв. м. бўлган қўшимча қурилган хоналари | 216.000.0 |
| ЖАМИ: | 287.000.0 |

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ

| Ер майдонларининг сони | ҳар бир ер майдонининг сатҳи, кв.м. | ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи, сўм. |
|---|---|---|
| 20 | 600 | 33.600.0 |

***Ким ошди савдоси Оҳангарон ва Янгиобод шаҳарлари ҳокимликлари биносида 1997 йил 7 май куни соат 11.00 да ўтказилади.***


*Деҳқончилик янгиликлари*

# ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номидаги жамоа хўжалиги иссиқхоналарда маҳсулот етиштиришда Тошкент туманида карвонбошилик қилмоқда: шу кунгача эл дастурхонига 200 тоннага яқин помидор етказиб берилди. Ғиёс Умаров номидаги жамоа хўжалигида эса бодринг узиш авжида. Жамоа аъзолари шу кунга қадар [illegible] тонна [illegible]сулот жўнатди. Туманнинг бошқа хўжаликларида ҳам помидор ва бодринг териш жадаллашмоқда. 80 тонна турли сабзавот ҳамда 102 тонна сабзини қўшиб ҳисоблаганда туман бўйича маҳсулот топшириш ҳозирдаёқ 700 тоннадан ошиб кетди.

— Сархил сабзавотдан мўл ҳосил олишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, — дейди туман агрофирмасининг бош агрономи Мўминжон Тиллаев. — 700 гектар майдонда сабзавот етиштиряпмиз. Жами ўттиз минг тонна ҳосил кўтариш ниятидамиз. 362 гектар ердаги эртаки картошкага дастлабки ишлов берилмоқда.

Дарҳақиқат, туман деҳқонлари йилни яхши бошлади. Чорва маҳсулотлари етиштиришда ҳам сезиларли ўзгариш юз берди, сут соғиб олиш кўпайди.

Муҳаммаджон Фозилов номидаги жамоа хўжалиги соҳибкорлари юртбошимизнинг шахсий томорқада баракали ҳосил етиштириш борасидаги кўрсатмаларини изчил амалга оширмоқда. Ўтган йили бу ерда ҳар гектар узумзордан республикада энг мўл — 277 центнердан ҳосил кўтарилган эди.

— Ҳосил ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлиши кутилмоқда, — дейди хўжалик раҳбари Сиддиқжон Муҳаммаджонов. — Ҳозирданоқ ҳар бир новдада икки-учтадан шўра кўриниб қолди. Бу йил мўлжалимиз 5700 тонна ҳосил олиш.

***П. НИШОНОВ, ЎзА мухбири.***

# ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

◆ 22 АПРЕЛЬ — Оламни асраш халқаро куни Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланди. ЭКОСАН ташкилотининг Ўзбекистондаги маҳкамасида мазкур санага бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. Унда иштирок этган хорижлик мутахассислар, жумладан, БМТнинг Ўзбекистондаги атроф-муҳитни ҳимоя қилиш гуруҳи раҳбари Момар Вранэш Ўзбекистонда табиатни муҳофаза этиш юзасидан давлат аҳамиятига молик кенг қамровли тадбирларнинг амалга оширилаётганлигидан қониқиш ҳосил қилаётганликларини қайд этдилар.

◆ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ва қарзлар суғуртачиларининг Халқаро Иттифоқи (Берн иттифоқи)нинг йиллик мажлисида Ўзбекистоннинг «Ўзбекинвест интернешнл» компаниясини таништириш маросими бўлди. Тақдимотнинг муваффақиятли ўтганлиги республикамизнинг жаҳон молия бозоридаги имкониятларини янада кенгайтиради ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди.

◆ «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» миллий авиакомпанияси Гарбий Оврупонинг «Эрбас Индастри» саноат консорциумидан яна битта «А—310» аэробусини сотиб оладиган бўлди.

◆ ҲАР ЙИЛИ Туркияда Болалар байрами деб аталган айём кенг нишонланади. Бу йилги тантаналарда 40 мамлакатдан келган ёшлар қатнашдилар. Улар орасида Ўзбекистондан борган «Салом, Куёш!» дастаси аъзолари ҳам бор эди.

◆ ЎЗБЕКИСТОН ва Жанубий Кореянинг фойдаланишга топшириш арафасида турган Андижондаги «Ўз ДОНГ Янг Ко» қўшма корхонаси ҳадемай Асакада ишлаб чиқарилаётган «ЎзДЭУавто» автомашиналари учун бутловчи қисмлар етказиб бера бошлайди. Машиналар ички салонлари учун мўлжалланган жиҳозлар намунаси ҳозирдаёқ мижозларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

## ОЛДИНДАН ҚИЛИНГАН ЮТУҚ ЮРИШИ

ФРАНЦИЯ президенти Жан Жак Ширак ҳафта бошида дафъатан телевидение орқали сўзга чиқиб, Миллий Ассамблеяни тарқатиб юборганлигини эълон қилди. Унинг гапларига қараганда, парламентга бўладиган навбатдан ташқари сайловлар шу йил 25 май ва 1 июнда — икки босқичда ўтказилади. Оммавий ахборот воситалари шарҳчилари дарҳол президентнинг бу чиқишини турли мақомларга солиб, таҳлил эта бошладилар. Уларнинг фикрича, Ж. Ж. Ширак Миллий Ассамблеянинг «сул»лашиб кетишидан чўчиб, шундай йўл танлашга мажбур бўлди. Гарчанд, ҳозир унг партиялар бирлашмаси парламентдаги 558 ўриндан 470 тасини эгаллаб турган бўлса ҳам кучлар нисбати келажакда ўзгариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, амалга оширилиши кутилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ўзгаришлар, фикрлар йўналишини бошқа томонга буриб юбориши мумкин. Айниқса, 1999 йилнинг 1 январидан умумоврупо пули — Еврога ўтилиши, Маастрихт шаҳридаги келишувлар хусусида баҳслар қизиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу боис президент Ж. Ж. Ширак, шохмот тили билан айтганда, олдиндан ютуқ юриши қилди. Бу ҳолат Франция ҳозирги президентининг уста сиёсатчи эканлигидан дарак бермоқда.

## МУҲОЛИФАТЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

БОЛГАРИЯ парламентида бўлиб ўтган сайловларда асосий муҳолиф ўюшма ҳисобланган — Демократик Кучлар иттифоқи (ДКИ) кўпчилик овоз олиб, ғалаба қозонди. ДКИ 1991 — 1992 йилларда ҳам ҳукуматни бошқарган эди. Лекин, парламентда кўпчилик ўринга эга бўлмаганлиги учун сиёсий майдондан тушиб кетган эди. Эндиликда иттифоқ раҳбарлари кенг қамровли сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказишни мўлжаллаб турибдилар.

## ХОТИРА КУНЛАРИДА

ЧЕЧЕНИСТОННИНГ собиқ президенти Ж. Дудаев вафотига бир йил тўлиши арафасида Ичкерия республикасининг президенти, Чеченистон ҳарбий кучлари бош қўмондони А. Масҳадов фармони билан армия қўмондони, «бригада генерали» Солмон Радуев ҳарбийлар сафидан бўшатилди. У давлат тўнтариши қилишликка тайёргарлик кўриш ва Чеченистон ҳарбий бошлиғи номига иснод келтиришликда айбланди. 21 апрель куни эса бутун Ичкерия бўйлаб Ж. Дудаев хотираси кенг нишонланди.

## «ҲАЖЖАН МАБРУРАН ВА САЪЙАН МАШКУРО, БИРОДАР!»

Шу кунларда Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара шаҳрида йиғилган мусулмонлар бир-бирларини шу ибора билан қутлашмоқда. Яъни ҳажингиз мақбул ва муборак бўлсин биродар, дейишмоқда.

Ўзбекистонлик ҳожилар удумга кўра энг аввало Каъбатуллоҳни зиёрат қилишди. Сўнг Сафо ва Марва тоғлари оралиғида навбатдаги рукнни бажаришди. Зул-ҳижжа ойининг 8 куни ҳамюртларимиз Минода ўзларига ажратилган жойда тунни ўтказишди. Кейин Арафот ва Муздалифада бўлишиб, амалларни давом эттиришди. Минода шайтонга тош отишиб, сўнгра яна Маккага ташкилий равишда қайтиб келишди ва ҳаж фарзларини якунлашди.

— Айни кунларда ҳамюртларимиз Мадинаи Мунавварада пайғамбаримизнинг Равзаи саодатларини ва бошқа бир қатор табаррук жойларни зиёрат қилишаяпти, — дейди Ҳаж ва умра муассасасининг раҳбари Илҳомжон Эшонжонов. — Бу азиз юртни, пайғамбаримизнинг Равзаи саодатлари жойлашган муҳташам ва муаззам Ҳарамни кўриб кетишдек катта имконият ҳукуматимиз томонидан яратиб берилганки, бундан барчамиз беҳад миннатдормиз.

18 апрель куни Подшоҳ Фаҳд бин Абдулазиз Ас-Сауд қурбон ҳайити муносабати билан ҳажга келган мамлакатлар гуруҳи раҳбарларини, хорижий давлатларнинг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Элчиларини ҳамда журналистларни қабул қилди. Ушбу маросимда Ўзбекистон Республикасининг Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шарофиддин Мирмаҳмудов, Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Солиҳ Иноғомовлар ҳам қатнашишди.

26 апрель куни дастлабки гуруҳни Тошкентга жўнатишга тайёргарлик кўрилаяпти. Саудия Арабистони ҳудудидан охирги гуруҳ 3 май куни жўнаб кетади.

***Саидазим МАРДИЕВ,***
***Саудия Арабистони Подшоҳлиги.***

## ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

ҲИНДИСТОН ўзига хос мамлакат. Ҳукумат раҳбарларининг узоқ ёҳуд ким муддат фаолият кўрсатиши қатор — катта ва кичик омилларга боғлиқ бўлиб туради. Дэви Говда бошлиқ вазирлар маҳкамаси энг кам фаолият кўрсатган вазирлар маҳкамаси сифатида тарихда қолса, ажаб эмас. Д. Говда ўтган йил ўрталарида бош вазир этиб тайинланганида унга асосий забон — урду тилини билмаслиги, катта сиёсат майдонида кам тажрибага эга эканлиги таъна сифатида айтилган эди. Бош вазирнинг барча уринишларига қарамай Ҳиндистон иқтисодиёти ҳамда ташқи сиёсатида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмади. Натижада, қатор партиялар, сиёсий оқимлар, арбоблар, қолаверса, парламент унга нисбатан ишончсизлик гапларини ошкор айта бошладилар. Оқибатда Д. Говданинг истеъфога чиқишдан бошқа иложи қолмади.

Ўтган душанба куни Ҳиндистоннинг янги бош вазири — Индер Кумар Гужрал қасамёд қилдирилди. Собиқ ташқи ишлар вазири И.К. Гужрал тажрибали сиёсатчи. Айни пайтда у Бирлашган фронт — сўлмарказ уюшмасининг раҳбари ҳам ҳисобланади. У Ҳиндистон ички ва ташқи сиёсатида ўзгаришлар ясаши мумкин, деб кутилмоқда.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

◆ ИЕРУСАЛИМ шаҳридаги «Кешет» деб аталган мактаб бош вазир Беняминн Нетаняхунинг олти яшар ўғли — Яирни ўқишга қабул қилишдан бош тортди. Мактаб мудираси Рут Лохови хонимнинг айтишича, мактабда ошиқча талабаларга жой йўқ эмиш. Боланинг ота-онаси қаерда ишлашидан қатъий назар қонун ҳаммага баробардир, деди директор хоним.

◆ 24 МАРҲУМНИНГ жасади Американинг «Пегас» ракетасида коинотга олиб чиқилди ва ўша ерда «дафн этилди». Улар орасида машҳур кинорежиссёр Роденбери ва мультимиллионер — бизнесмен Лириларнинг ҳам мурдалари бор. Шундай қилиб, инсоният тарихида биринчи марта «коинот қабристони» ташкил этилди.

◆ РОППА-РОСА тўрт ойлик асирликдан сўнг Туркия фуқароси Сабанжи ўғли Назми Азиз куни кеча Истамбулга қайтиб келди. У шу йил 22 январида Нальчик шаҳридаги муваққат уйидан ўғирлаб кетилган эди. Уни қариндош-уруғлари 350 минг доллар эвазига «сотиб» олдилар.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

## ДУШАНБА, 28

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Лирик тароналар.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бир элнинг фарзандимиз».
9.10 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 7-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
10.35 «Инсон ва замин».
10.50 Тўлқин. «Қайнар ҳумча». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.45 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.15 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.50 «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.15 «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Чорраҳа».
18.35 Дилнавоз садолар.
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
21.40 Дилнавоз садолар.
22.00 Ёзувчи ижодхонасидан репортаж.
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.35 «Ватан тимсоллари».

**II**

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Ғайритабиий олам».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.25 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.35 «Спорт қитъаси».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05—00.15 Кундалик.

**III**

17.15 Янгиликлар.
*
**17.20 — 20.40 Россия жамоат телевиденияси.**
*
20.40 «Кругозор». Тележурнал.
*
**21.00 — 21.30 Россия давлат телевиденияси.**
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Қора қузғунлар сири». Бадиий фильм.
23.05 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм.
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Умид».
20.05 «Мусиқий танаффус». Юрий Шатунов.
20.15 «Дидар».
20.45 «Жаҳон».
21.05 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.15 «Авторейд».
21.25 «Сўз — сизга».
21.40 «Бу ажиб дунё».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

## СЕШАНБА, 29

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Эстрада тароналари.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Юрт таянчлари».
**Ўқув кўрсатувлари:**
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
12.20 «Йўллар ва йўлар».
12.45 «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.45 «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида». Кўрик-танлов.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.25 Футбол шарҳи.
18.40 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 Шарқ тароналари.
21.35 «Альманах-ТВ».
22.10 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Асрларни қолдириб ортда».
22.30 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Уч қирол жанги». Бадиий фильм. 5-серия.
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.30 «Ватан тимсоллари».

**II**

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «Тошкент ҳақиқати ни ёқиб, финал эҳлаҳонда кўринг.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
**Ўқув кўрсатувлари:**
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
*
11.30 Болалар учун. «Хива бўйлаб саёҳат».
11.50 Ўзбек қўйларидан концерт.
12.20 «Муқаддима». Бадиий фильм.
13.45 «Соғлом авлод учун». Спорт дастури.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Билиб қўйган яхши».
18.45 Дилнавоз садолар.
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.40 «Одобнома».
21.50 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Оқсоқ дарвеш». Бадиий фильм (Тожикистон — Венгрия — Туркия).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

**II**

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.40 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Нафис мажлислар».
10.35 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
10.50 «Акс».
11.10 «ТВ плюс...».
11.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.45 «Дунё бўйлаб».
12.35 — 14.05 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сувости дунёси».
19.20 «Ором онлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.10 Кундалик.
22.20 «Сехргар». Кўрсатув ва Эълонлар.
22.30 «Кинонигоҳ».
24.00 «Спорт қитъаси».
00.15 — 00.25 Кундалик.

**III**

17.10 Янгиликлар.
17.15 «Типратикон, кучукча ва Нико исмли бола». Мультфильм.
17.30 «Мусиқа ҳамма учун».
*
**6.30 — 8.00, 17.50 — 22.35 Россия жамоат телевиденияси.**
*
22.35 Эълонлар.
22.40 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 9-серия.
*
**23.45 — 00.15 Россия давлат телевиденияси.**
*
00.15 Эълонлар.
00.20 — 00.25 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.25 «Минг бир маслаҳат».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Рақурс».
21.15 «02» тўлқинида.
21.30 «Компьютер-ревью».
21.45 «Каталог».
21.55 «Интер-спорт».
22.05 «Океандан-океангача».
22.30 «Коктейль плюс».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

## ЧОРШАНБА, 30

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Қизлар гулдастаси».
8.45 «Альманах-ТВ».
9.20 «Кузя учун уй». Мультфильм.
9.40 «Излаган имкон топади».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Осиё ўйинлари олдидан». Спорт дастури.
**Ўқув кўрсатувлари:**
10.30 География.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
*
12.00 «Кичкинтой» устахонаси.
12.25 «Мио, болагинам, Мио!» Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.50 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қарнайғул». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.25 Дилнавоз садолар.
18.35 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.00 «Ишингиз бароридан келсин!» (Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори). 1-кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ишингиз бароридан келсин!» (Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори). 2-кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.55 «Талқин. XX аср».
22.25 «Автоолам» тақдим этади: «Асакадан хабарлар». 2-кўрсатув.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.35 «Ватан тимсоллари».

**II**

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 Кундалик.
22.55 «Спорт қитъаси».
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15—00.25 Кундалик.

**III**

17.10 Янгиликлар.
*
**6.30 — 8.00, 17,20 — 20.40 Россия жамоат телевиденияси.**
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
**21.00 — 21.35 Россия давлат телевиденияси.**
*
21.35 Эълонлар.
21.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 8-серия.
22.45 «Мўъжизакор гўзаллик сири», «Мерос». Телефильмлар.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ирендек».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Британия кундалиги».
20.40 «Мезон».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Азизим».
21.50 «Бу ажиб дунё».
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05 Экстремал ўйинлар.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

## ПАЙШАНБА, 1

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Яхши қайфият». Мусиқий дастур.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
**Ўқув кўрсатувлари:**
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
*
11.30 Болалар учун. «Хива бўйлаб саёҳат».
11.50 Ўзбек қўйларидан концерт.
12.20 «Муқаддима». Бадиий фильм.
13.45 «Соғлом авлод учун». Спорт дастури.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Билиб қўйган яхши».
18.45 Дилнавоз садолар.
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 «Дизайн».
22.00 Репортаж.
22.20 «Хуш келибсиз!»
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Жаҳон спорти янгиликлари.
00.10 Тунги тароналар.
00.20 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

**II**

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Бугуннинг боласи».
9.40 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.55 «Олтин кент».
10.10 «Жозиба».
10.25 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
10.50 Видео — «О».
12.30 — 13.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «XXI аср фарзандлари».
18.50 Телевидение ва театр.
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 «Ханда дўкони».
23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55 — 00.05 «Даракчи».

**III**

17.15 Янгиликлар.
17.20 «Оддий мўъжизалар». Телефильм.
*
**18.05 — 20.40 Россия жамоат телевиденияси.**
*
20.40 «Қушлар макон топган юрт». Телефильм.
*
**21.00 — 21.35 Россия давлат телевиденияси.**
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 10-серия.
22.45 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Куй ва соз соҳиби». Телефильм.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

**IV**

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Қанотлар».
20.20 Эълонлар.
20.25 «Олам ва одам».
20.50 «Бу бўстон аро...».
21.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.50 «Жума куни ишдан сўнг».
22.20 Араб эстрадаси.
22.50 «Латофат».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

## ШАНБА, 3

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Эстрада концерти.
9.05 «Фунтик ва мўйлабли кампиршо». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
**«Ёшлик» студияси намойиш этади:**
10.35 «Менга сўз беринг!»
11.15 «Ёшлар билан».
11.35 «Ёлқин».
11.55 «Идрок».
*
12.35 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 30-қисм.
13.10 «Спортландия» чорлайди. Бобруйск — Иштиҳон.
13.55—14.35 «Саҳна ҳаёти». Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Қўқон Давлат драма театрининг «Муҳаббат қасри» спектакли ҳақида.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олтин қўприк». XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан.
18.35 «Армонли дунё». Неъмат Қосимов.
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Бизнес-академия».
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 31-қисм.
**«Тунги ёғду».**
**Дам олиш дастури:**
22.35 «Муҳаббат ва эрк». Киноконцерт.
22.45 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Насиб». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).

**II**

9.00 «Бор эканда, йўқ экан..»
9.10 «XXI аср фарзандлари».
9.35 Телевидение ва театр.
9.55 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40— 13.40 «Спорт қитъаси».
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Қўзмунчоқ».
18.55 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.10 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
**«Шанба оқшоми».**
**Дам олиш дастури.**
21.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Рутгер Хауэр «Даҳшатлар» фантастик триллерида.
23.50 — 24.00 «Даракчи».

**III**

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
**17.15 — 20.35 Россия жамоат телевиденияси.**
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Менинг сўнгги тангом». Бадиий фильм (Испания).
22.15 Сан-Ремода эстрада қўшиқлари фестивали.
22.50 — 23.10 «Нилуфар гуллаганда». Телефильм.

**IV**

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Палермода юз кун». Бадиий фильм.
10.40 Эълонлар.
10.45 «Рақслар қанотида».
11.15 Шанба эртаги.
12.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.00 — 13.20 Корейс тилини ўрганамиз.
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Шанба оқшомида».
19.15 «Бугунги Польша». Миллий байрам — 3 Май кунига.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Чинсэн».
20.55 «5 дақиқа ўзинг учун».
21.05 «Спектаклдан сўнг».
21.30 Кинонинг олтин асри. «Тунги гўзаллар». Бадиий фильм.
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.10 «Хит-коллекция».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

## ЯКШАНБА, 4

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
11.15 «Пойинтар-сойинтар».
11.25 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 31-қисм.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 «Туҳфа».
12.50 «Келгуси ҳафтада».
13.05 «Бу мунис лаҳзалар».
13.25 «Мудҳиш хато». Бадиий фильм.
15.00 «Ўзбекистон спорти».
15.15—15.25 «Тақвим».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 8-серия (Италия).
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мусиқа салтанати».
21.25 «Шаҳс ва бахс».
21.50 «Рақс театри одимлари».
22.20 Илҳом сатрлари.
22.25 «Менинг ҳам ўз овозим бор». Мусиқий дастур.
22.45 «Интер-футбол».
23.10 «Келгуси ҳафтада».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Севги саролари». Бадиий фильм (Сурия).
01.35 «Тақвим».
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

**II**

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Мухлис-ТВ 2».
11.15 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!».
11.25 Дилором наволар.
11.40 «Мафтункор чехралар».
12.00—13.50 Видео—«О».
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Нодир хазина».
19.00 «Мухлис-ТВ 2».
19.15 «Табиат шифохонаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 Видео—«О».
22.55 «Глобус». Телеальманах.
23.20 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
23.25 «Қўшиқлар жилосида».
23.40 «Даракчи».
23.50 Дастур ниҳояси.

**III**

16.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.50 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мультфильм.
17.25 «Товус малика». Бадиий фильм.
18.55 Эълонлар
*
**19.00 — 20.45 Россия жамоат телевиденияси.**
*
20.45 Алла Пугачёва «Алла учун туҳфа» дастурида.
23.45 — 00.10 «Панорама».

**IV**

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсе?»
10.00 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
12.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.40 «Жонли сайёра».
13.00 Эълонлар.
13.05 Киносалон. Роберт де Ниро ва Дастин Хофман «Яшнирниб туриб» фильмида.
15.25 «Шу куннинг мавзуси».
15.40 «Аф

# О, СОДДА ЎЗБЕГИМ, СУЛТОН ЎЗБЕГИМ, ТИЛИДА ҚЎШИҒУ ДОСТОН ЎЗБЕГИМ

*«Ўзбекистон қўшиқ байрами»*

***ЙЎҚ, бу сатрларни биз ўйлаб топмадик. У бир неча кундан буён давом этаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» ҳудудий танловида куйланаётган ватанни, унинг меҳнаткаш халқини улуғловчи янги қўшиқлардан олинган бир неча сатр холос. Кутилганидек, вилоятимизда мазкур қўшиқлар байрамига алоҳида тайёргарлик кўрилди, дастлабки босқичлардаёқ бир қанча янги қўшиқлар ва янги номлар кашф этилди.***

Бўка туманида бўлиб ўтган ҳудудий танловда вилоят бўйича ўтказиладиган «Ўзбекистон қўшиқлар байрами»да қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган бекободлик Ҳислат Донабоев, Сирожиддин Кенжаев, ўртачирчиқлик Санобар Сатторова, Шерали Миролимов, Бўкадан Орифжон Омонов, Сарвар Қурбоновлар ана шундай ёш истеъдодлардан бўлдилар. Улар энди ватан ҳақидаги меҳр-муҳаббатга тўла самимий қўшиқлари билан вилоят танловида ҳам омадларини синаб кўрадилар.

Оққўрғон туманида бўлиб ўтган ҳудудий босқич тадбирга алоҳида ҳозирлик кўрилгани, иштирокчиларнинг анча фаоллиги билан ажралиб турди. Танлов кўрсатдики, шаҳар ва туманларда нафақат қўшиқчилар, балки, умидли шоир ва бастакорлар ҳам етишиб бормоқда. Энг муҳими, уларнинг ўзаро ҳамкорликлари келгусида миллий қўшиқчилигимизда ўзига хос бақувват асарлар яратилишига умид уйғотади.

Мазкур танловда яхши қўшиқлар ва яхши ижролар кўп бўлди. Аммо ҳакамлар ҳайъати уларнинг энг сараларини танлаб олиб, вилоят танловида иштирок этишга тавсия қилдилар. Бундай омад оққўрғонлик ёш қўшиқчилар Сарвар Ҳолназаров, Муроджон Чинтошев, Турсунмат Мирзаев, болалар хор гуруҳи, Зангиота туманидаги «Ҳосил» дастаси, Чиноздаги «Чиноз» гуруҳи ва қуйичирчиқлик Илҳом Холбоевларга насиб этди.

Албатта, тингланган куй-қўшиқларнинг ҳаммаси ҳам профессионал даражада мукаммал эмас. Бироқ, шеър, куй ёки ижродаги камчиликларни тузатиш борасида мутахассислар томонидан жойнинг ўзида таклиф-мулоҳазалар айтилди, тегишли амалий ёрдам кўрсатилди.

— Аввало, юртимизда мана шундай қўшиқ байрамлари ўтказилишининг ўзиёқ биз учун катта бахт, — дейди иштирокчи С. Ҳолназаров. — Бу биз ёшлар учун янги изланишлар ва янги муваффақиятларга рағбатдир. Шунинг учун эътиборга яраша меҳнат қилишга, халқимиз хизматида бўлишга ҳаракат қиламиз. Мен вилоят танловига йўлланма олган ижодкор дўстларимга омад тилайман.

Ҳа, бу йилги қўшиқлар байрамининг уюшқоқлик билан ўтаётгани халқимизнинг ниҳоятда ижодкорлигидан далолатдир. Шу юртда яшаётган бошқа миллат вакиллари ҳам ватан мадҳини биз билан бир сафда ёниб куйламоқда. Зеро, шоир айтганидек:

***Тотув юртда янтоқ ўзин тоғ айлагай,***
***Бир-бирини қўллаган юрт кам бўлмагай,***
***Болалари Туркистонни боғ айлагай,***
***Токи абад ҳазон бўлмас энди бу боғ —***
***Иншооллоҳ, иншооллоҳ, иншооллоҳ...***

***Суратларда: Бўқа туманида бўлиб ўтган ҳудудий кўрик-танловдан лавҳалар. Даврон АҲМАД суратлари.***

***Зарифа ЭРАЛИЕВА.***

*Вилоят ички ишлар бошқармаси хабар қилади*

# «ТУН» ОҒУШИДА

***Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, эл осойишталигини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. «Тун» тадбири ана шулар жумласидан бўлиб, режали асосда вилоятимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб олиб борилмоқда. Бошқарманинг навбатчилик қисмидан олинган маълумотларга кўра, тадбир ўз самарасини бермоқда.***

## ТОВЛАМАЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

ҲАР САФАРГИДЕК, бошқармада тунги гуруҳларда иштирок этадиган ходимлар йўриқномаси бўлиб ўтди. Унда бошқарма раҳбарияти ҳар бир тадбир иштирокчиси амалга ошириши лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ топшириқлар берди.

...Ҳозирги бозор иқтисодиёти шаклланаётган пайтда Олмалиқ шаҳридаги уюшган гуруҳ аъзолари ўзгаларнинг ҳалол луқмасига шерик бўлиб, бойлик орттирмоқчи бўлишибди. Тезкор маълумотларга кўра, улар катта миқдордаги пулни олаётган жойларида қўлга олинган.

— Бу гуруҳ аъзолари товламачилик йўли билан бир фуқародан катта миқдорда пул талаб қилишган. Осойишталик посбонларининг катта саъй-ҳаракати билан уюшган гуруҳ жиноят содир этилаётган жойда қўлга олинди, — дейди Олмалиқ шаҳар ИИБ терговчиси, милиция лейтенанти Тоҳир Дониёров. — Товламачилик қилган А. Н. уйидан Макаров тўппончаси 16 та жаннговор ўқи билан топилди. Ҳозир қуролнинг қаердан олинганлиги аниқланмоқда.

Ана шундай товламачи, уюшган жиноий гуруҳлардан яна бири Янгийўл шаҳрида яшовчи уй бекаси Л. Исаева уйига бостириб кириб, 948 минг русия рубли, 400 қозоқ тангаси ва 4 та сариқ рангли металл буюмларни олиб кетишди. Жиноятни муқаддам судланган М. Ш. шериклари С. Р. ва Х. Т. лар билан бирга, юзига ниқоб кийиб олиб, қирқма ов милтиғи, наган, пичоқ билан қуролланган ҳолда амалга оширган.

Жиноятчилар ашёвий далиллар билан ушланди.

Оҳангарон шаҳридаги «Ҳулкар» шахсий корхонасида сотувчи бўлиб ишлайдиган Ш. М. чет эл фильмларидан «ибрат» олдими, ҳарқалай, нафси ҳаккалак отиб, шаҳар экологияни муҳофаза қилиш нозири У. Р.га 300 минг сўм пул топиб бермасанг, болаларингни ўлдириб кетаман, деб дўқ қилди. Оқибатда, пул олаётган товламачи жиноят устида қўлга олинди.

## ҚОТИЛ УЗОҚҚА КЕТОЛМАДИ

ЧИРЧИҚ шаҳар ИИБ ходимлари белгиланган йўналишда ҳаракатда эдилар. Шу тобда ИИБ навбатчилик қисмидан Амир Темур кўчасидаги 130-уй, 33-хонадонда ичкилик ичиб олган икки фуқаро ўзаро жанжаллашаётгани тўғрисидаги хабарни олдилар. Орадан беш дақиқалар чамаси вақт ўтмасдан, улар воқеа жойига етиб келишди.

— Машинадан йўлак олдида тушганимизда, уст-боши қонга беланган ҳолда шошиб кетаётган бир йигит эътиборимизни тортди, — дейди Чирчиқ шаҳар ИИБ ходими Рустам Норматов, — Уни тўхтатдик. Дастлабки суриштиришдан шу нарса маълум бўлдики, қўлга олинган А.К. Чирчиқ шаҳрида яшовчи Виктор Булавин билан ўзаро келиша олмай, унинг чап кўкрак қафаси ва бўйнига пичоқ урган экан. Булавин тан жароҳатидан ҳалоқ бўлган.

Ҳозирги кунда қотил А. К. устидан тергов олиб борилмоқда.

## БОЗОРДАН ОЛГАН ЭМИШ...

ОҲАНГАРОН ИИБ ходимлари ойналари қорайтирилган О—04—81 ТН рақамли ГАЗ—24 автомашинасини шубҳа остига олиб тўхтатдилар. Натижада катта миқдордаги сохта арақлар олиб кетилаётганлиги аниқланди. Ҳайдовчи қўлбола арақларни Отчопар бозоридан олганлигини айтди. Ҳозирги пайтда бу хусусда суриштирув кетмоқда.

Маълумотларга кўра, ўтган йили сохта алкогол ичимликларини истеъмол қилиб, қанчадан-қанча фуқаролар заҳарланди, бир неча киши бу дунёдан кўз юмди. Ахир, қачонгача бу ҳол давом этиши мумкин? Биров оқ оғуни бозордан сотиб олиб, ўз яқинларини заҳарласа, бошқаси бу зормандани ичиб олиб, бир-бирини ўлдирса, шундай ҳам қисқа умрни арзимас сабаблар билан қисқартираверса, бунга қандай чидаш мумкин?! Ичкиликбозлик, жиноятчиликка қарши жамият биргаликда жиддий курашмас экан, бу ҳол давом этаверади. Гулдай оилалар барбод бўлади, болалар етим бўлиб қолаверади. Бу иллатни таг томири билан аллақачоноқ суғириб ташлаш пайти келди.

## ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

ШУ КУНЛАРДА ўзимиздан чиққан сохта «тадбиркор»лар ўз ҳамёнини ўйлаб, осмондаги ойни ҳам сотиб юборадиган олғирлар халқимиз ризқини қийиб, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни қўшни республикаларга ташмалаб кетаётганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Тошкент тумани Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Ушбу ҳудудда «Тун» тадбири ўтказилаётган куни милиция ходимлари четга товар-моддий бойликларини тегишли ҳужжатларсиз олиб чиқиб кетилишидек қўпол қоидабузарликларнинг олдини олишга муваффақ бўлишди.

— Ўша тунда Қозоғистон давлат русумларига эга бўлган иккита автомобил текшириш учун тўхтатилди. Уларда ҳеч қандай махсус ҳужжатларсиз 500 минг сўмликка яқин пахта ёғи, макарон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бор экан, — дейди Зангиота тумани ИИБ қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция майори Абдувоҳид Каримов.

— Бизнинг гуруҳ Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида юрган эди. Эътиборимизни чет эл белгиларига эга бўлган иккита КамАЗ автомашинаси тортди, — дейди Пискент тумани ИИБ йўлпатрул хизмати нозири Машраб Ғаниев, — ҳужжатлар текширилганда, шубҳа бежиз эмаслиги маълум бўлди. Ушбу автомашиналарда «сохта» тадбиркорлар 400 қоп селитрани ҳеч қандай ҳужжатларсиз четга олиб чиқиб кетмоқчи бўлганлар. Энди, бу катта миқдордаги минерал ўғитлар қайси корхонадан олинганлиги аниқланмоқда.

«Тун» тадбири давомида Бўстонлиқ туманида кўчада ножўя ҳаракат қилаётган А. Нодиров тўхтатиб, текширилди. Унинг ёнидан гиёҳванд модда чиқди. Унинг хонадони текшириб кўрилганда эса рўйхатда бўлмаган 16 калибрли милтиқ, 85 дона карабин ўқи ва сотиш учун тайёрланган катта миқдордаги наша моддаси топилди.

— Тадбир давомида мол ўғриларини ҳам ушлашга муваффақ бўлдик, — дейди Бўстонлиқ тумани ИИБ, жиноят қидирув бўлимининг тезкор вакили Улуғбек Жўраев, — шу кунгача фуқароларнинг 23 та қўйини ўғирлаб, 7 тасини Паркент бозорида сотишга улгурган йигитни қўлга олдик. Мол сотиб олган шахслар ҳам аниқланди. Барча 23 та қўй эгаларига қайтарилди.

Аминмизки, юқоридаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар кишини ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Мазкур жиноятларнинг кўпчилиги юз бермаслиги ҳам мумкин эди. Бепарволик, лоқайдлик, «менга тегма, мен сенга тегмайин» қабилидаги худбин қарашлар кўплаб жиноятларнинг юз беришига йўл очяпти, жиноятчиларнинг тегирмонига сув қуяяпти. Биз шуни эсда тутишимиз лозимки, жиноятчилик ва қоидабузарликка қарши кураш фақат милиция ходимларининггина ишлари бўлиб қолмаслиги лозим. Ҳар бир фуқаро куним тинч, кечам осойишта ўтсин, деган тилакни дилига муҳрлар экан, ўз навбатида ширин жонини гаровга қўйиб сиз ва бизнинг осойишталигимизни қўриқлаётган посбонларга ёрдамга шошилайлик, қўлимиздан келганча уларга кўмаклашайлик. Қисқаси, «Қарс икки қўлдан» деган ҳикматли гапга амал қилсак, жиноятчи тўдалар, разил кимсалар сўзсиз чўчийди. Жиноят эса жазосиз қолмайди.

Вилоят ИИБ томонидан ўтказилаётган «Тун» каби тадбирлар вақтинчалик ёки мавсумий эмас. Бундай кенг қамровли, режали тадбирларни амалга ошириш давом этаверади.

***Рустам ЁДГОРОВ, вилоят ИИБ матбуот марказининг бошлиғи. Миржалол МИРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

*Ҳар тўғрида*

## ОЛТИН ЗАҲИРАЛАРИ КАМАЙИБ КЕТДИ

**Россия Марказий банки маълумотларига кўра, кейинги йилларда мамлакат олтин заҳираси тобора камаймоқда. 1995 йилда ўн йил бурунгига қараганда бу заҳира уч баравар камайган, яъни 1985 йилги 720 тоннадан 240 тоннага тушиб қолган. Россия олтин заҳираси жиҳатдан бир вақтлар дунёда энг олдинги ўринларни эгаллар эди. Жумладан, 1953 йилда унинг салкам 2050 тонна заҳирадаги олтини бўлган.**

## ОБ-ҲАВО ЎЗГАРИБ ТУРАДИ

Ўзбекистон гидрометеорология маркази навбатчи синоптиги Фотима Қосимова ҳабар қилишича, 26-30 апрель кунлари ҳаво ўзгарувчан бўлади. Ушбу муҳлатнинг дастлабки уч кунида айтарлик ёғингарчилик бўлмайди, сўнгра эса айрим туманларда ҳаво ўзгариб, вақти-вақти билан қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши, момақалдироқ бўлиши кутилади. Ҳаво ҳарорати кечалари 11-16 даража илиқ, кундуз кунлари 27-32 даража иссиқ бўлади. Сешанба-чоршанбага бориб кундуз кунлари ҳарорат 24-29 даража атрофида бўлади.

**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

## Ўзбекистон спортчилари жаҳон кезади

*Юнон-рум кураши*

### МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

ТЕҲРОНДА юнон-рум кураши бўйича Осиё биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 13 мамлакат полвонлари қатнашди. Тошкентлик армиячи Дилшод Орипов 54 килограммгача вазнда барча рақибларини енгиб, қитъа чемпиони бўлди. Григорий Пуляев (69 килограмм) ва Шуҳрат Саъдиев (125 килограмм) иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал билан тақдирланишди.

*Бокс*

### 11 ТАДАН 8 ТАСИ СОВРИНДОР

ЎЗБЕКИСТОН боксчилари Таиландда «Қирол кубоги учун» ўтказилган анъанавий халқаро турнирда зафар қучишди. Ўн бир вакилимизнинг саккиз нафари совринли ўринларни эгаллади. Чирчиқлик олимпия ўринбосарлари спорт мактаби талабаси Алишер Раҳимов, Ўткир Ҳайдаров, Наримон Отаевлар учинчи ўринни олишди. Дилшод Ёрбеков билан Руслан Чагаевлар эса олтин медал эгаси бўлдилар. Дилшод Ёрбеков чиройли «жанг» кўрсатган спортчи учун таъсис этилган мукофотга ҳам сазовор бўлди. Муҳаммадқодир Абдуллаев, Темур Тулаков ва Лазиз Зокировлар кумуш медал олдилар.

*Футбол*

### ЯНА ХИТОЙЛИКЛАРНИ ЮТИШДИ

ХИТОЙ футболчилари яна Ўзбекистон жамоасидан мағлуб бўлишди. Жаваҳарлал Неру хотира-соврини учун ўтказилган навбатдаги турнирда Хитой, Ҳиндистон, Гана, Ироқ ва Ўзбекистон футболчилари қатнашдилар. Биринчи ўйинда Ироқ жамоасидан йирик 1:6 ҳисобида енгилган олимпиячиларимиз Гана жамоасини 3:2 ҳисобида мағлуб этиб, Хитой футболчилари билан 1:1 ва Ҳиндистон спортчилари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнашди. Сўнг ярим финалда Хитой футболчилари билан бўлган ўйинда 2:1 ҳисобида устун келишди. Финалда эса яна Ироқ футболчиларига рўбарў келиб, 1:3 ҳисобида мағлуб бўлдилар ва иккинчи ўринни эгаллашди. Футболчиларимизга собиқ пахтакорчи Аҳмад Убайдуллаев устозлик қилмоқда.

*Эшкак эшиш*

### ШАХСИЙ ҲИСОБДА ҲАМ, ЖАМОА БАҲСИДА ҲАМ

Йил давомида спортнинг 35 тури бўйича республика ёшларининг ўйинлари ўтказилади. Ҳозиргача уч турга якун ясалди. Тошкент вилояти спортчилари бу мусобақалар якунига кўра жамоа ҳисобида пешқадамлик қилишмоқда. Самарқандда эшкак эшиш бўйича ўтказилган баҳсларда вилоятимиз вакиллари яна ғолиб бўлдилар. Жамоа ҳисобида 588 очко тўплаб, иккинчи ўринни эгаллаган Сирдарё вакилларидан 112 очко ўзиб кетишди.

Вилоят терма жамоаси сафини асосан бекободлик спортчилар ташкил этишди. Қизлар ва ўсмирлар ҳам 2 минг метр масофага сузишда яхши натижа кўрсатдилар. Якка баҳсда опасингил Севара ва Зарина Валиевалар биринчи-иккинчи ўринни олишди. Икки кишилик пойгада ҳам опа-сингилнинг қўли баланд келди. Қизлар тўртлигида А. Орехова, З. Сесенбоева, А. Тримасова, О. Сорокина, ўсмирлар тўртлигида Д. Криво, Е. Фролочкин, М. Боймуродов, В. Тримасовлар ғолиб бўлишди.

*Кубок баҳслари бошланди*

### ҲОЗИРЧА БИТТАСИ...

ЎЗБЕКИСТОН Кубоги учун 1/32 финал учрашувларининг дастлабки баҳслари бўлиб ўтди. Вилоятимизнинг беш жамоасидан фақат Қибрайнинг «Роҳат» футболчиларигина ғалабага эришдилар. Улар ўз майдонларида Муборакнинг «Машъал» жамоасини қабул қилишиб, 2:1 ҳисобида устун келишди. Қолган тўрт жамоамизнинг рақиблари олий табақа вакиллари бўлишганлиги ва бунинг устига ўз майдонларида ўйнаганликлари туфайли йирик ҳисобларда устун келишди. «Бўкалик» Термизда «Сурхон»га (1:5), «Металлург» Марғилонда «Атласчи»га (0:4), «Кимёгар» Жиззахда «Сўғдиёна»га (0:3), «Лочин» Навоийда «Зарафшон»га (0:3) ўйинни бой берди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Тўқимачи» — «Истиқлол» — 0:0, «Хоразм» — «Навбаҳор-2» — 4:0, «Косонсой» — «Хива» — 4:0, «Пахтаобод» — «Дўстлик» (Каттақўрғон) — 1:1, «Янгиер» — «Боғдод» — 3:0, «Темирйўлчи» — «Шаҳрихон» — 6:0, «Гулистон» — «Орол» — 2:0, «Насаф» — «Афросиёб» — 3:0, «Зафар» — «Шўрчи» — 2,0, «Шўртон» — «Ситора» — 3:0, «Қизилқум» — «Чилонзор» — 2:2.

Жавоб учрашувлари эртага бўлади.

### МАРАДОНА МАЙДОНГА ТУШАДИ

***Футбол қироли — Диего Армандо Марадона узоқ танаффусдан кейин яна тўп суришга жазм қилди.***

36 ёшли спортчи қадрдон жамоаси «Бока хуниорс» билан янгидан шартнома имзолар экан, ўзимни 16 яшар ўспириндек ҳис қилаяпман, дея дил кувончини ошкор этди. Футбол устаси «Бока хуниорс» сафида яна бир марта жаҳон биринчилиги мусобақаларида иштирок этиш ҳамда мамлакат чемпиони бўлиш ниятида.

Бироқ, узоқ танаффусдан кейин Марадонанинг вазни анча оғирлашган. Ўзининг аввалги ҳолатига қайтиши учун футбол қироли 6 килограмм озиши керак.

***(ЎзА).***

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:**

**Бошқарма томонидан Зангиота туманида жойлашган «Улгуржи-савдо бозори» ҳудудидаги контейнер (вагон, савдо будка)лари инвентаризация қилиб чиқилиб, катта миқдордаги контейнерларнинг эгалари йўқлиги аниқланди.**

**Эгаси йўқ контейнерлар рўйхати ҳатланиб, судга «Эгасиз мулк» сифатида давлат ҳисобига мусодара қилиш учун тайёрлаб қўйилди.**

**Шу муносабат билан вилоят Давлат солиқ бошқармаси Зангиота «Улгуржи-савдо бозори» ҳудудига контейнер қўйган барча юридик ва жисмоний шахсларни Зангиота тумани Давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилиб, ўз контейнерларини ҳисобга қўйишлари лозимлигини билдиради.**

**Ҳисобга қўйилмаган контейнерлар «эгасиз мулк» сифатида давлат ҳисобига мусодара қилинади.**

***Рўйхатга қўйиш ишлари 1997 йилнинг 1 июнигача амалга оширилади.***

**Мурожаат учун манзилгоҳ: Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони Охунбобоев кўчаси, 23 уй (туман ҳокимияти биносида).**

Тошкент вилояти Пскент туманидаги 1-мактаб томонидан Ҳилола Турсунбоева номига берилган 010668 рақамли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

• «Маҳаллий саноат» корпорацияси раҳбарияти ва жамоаси Бекободдаги «Металлист» акционерлар жамиятининг раиси Абдуманноп Саматовга отаси **Абдувахоб САМАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0215. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5 6